



## NEW UZBEKISTAN - NEW NEIGHBORHOOD

**Raximova Mubina Maxmudovna**

Andijan State University, student of the Faculty of Foreign Languages  
Andijan, Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5500354>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> September 2021  
Accepted: 05<sup>th</sup> September 2021  
Online: 10<sup>th</sup> September 2021

### KEY WORDS

Former Union,  
independence, New  
Uzbekistan, regional  
cooperation, interethnic  
relations, friendship

### ABSTRACT

*The article focuses on Uzbekistan's neighborly relations with neighboring republics. The emergence of inter-ethnic conflicts after the collapse of the former Soviet Union, their history, the state of inter-republican relations between the two post-Soviet decades and the high level of friendship, good neighborliness and strategic partnership in recent years are illustrated by each neighboring republic.*

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК

**Рахимова Мубина Махмудовна**

АндДУ чет тиллар факультети талабаси  
Андижон, Ўзбекистон

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-sentabr 2021  
Ma'qullandi: 05- sentabr 2021  
Chop etildi: 10- sentabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Собиқ Иттифоқ,  
мустақиллик, Янги  
Ўзбекистон, минтақавий  
хамкорлик,  
миллатлараро  
муносабатлар, дўстлик

### ANNOTATSIYA

Мақола Ўзбекистоннинг чегарадош республикалар билан қўшничилик муносабатларига аталган. Собиқ Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг миллатлараро зиддиятларнинг юзага келиши, уларнинг тарихи, постсовет икки ўн йиллик орасида республикалараро муносабатларнинг холати ва сўнгги йилларда дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари юксак даражага чиққанлиги ҳар бир қўшни республика мисолида ёритилган.

Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг кўп сонли аҳолига эга бўлган ҳудудлар сарасига киради. Иттифоқ даврида Ўрта Осиё деб аталган ҳудуд аслида Туркистон номи билан қадимдан мавжуд бўлган. Советлар замонида унинг даҳоларидан бўлган

Сталиннинг ҳар қандай жамиятнинг энг нозик ва муҳим бўлган масаласидаги хато назарияси асосида Марказий Осиёда яшаб турган халқлар ва миллатларни ўртасидаги муносабатларга қасдан путур етказилган. Бу назариянинг моҳияти



қуйидагича эди: социализм ривожлангани сари миллатлар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб бориши натижасида миллатлар “йўқолиб кетади” деган сафсата — нотўғри қараш жорий қилинган эди. Натижада 1922-йил 30-декабрда вужудга келган Совет давлати таркибига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таркибида Тожикистон Автоном ССР, Туркменистон ССР, Қирғизстон ССР таркибида Қозоғистон Автоном ССР ташкил этилган эди. [1]

1924-1925 йилларда ушбу республикаларда ҳудудий чегараларни белгилаш вақтида юқоридаги хато назария асосида аҳолисининг 75%дан ортиғини ўзбеклар ташкил қилган Ўш области Қирғизистон таркибига, аҳолисининг 70%дан ортиғини ўзбеклар ташкил қилган Хўжанд области (кейинчалик Ленинобод) Тожикистон таркибига, ўзбеклар асосий миллат ҳисобланган Тошҳовуз области Туркменистон республикасига ва 1936-йилда ташкил қилинган Қозоғистон ССР таркибига туб аҳолисини ўзбеклар ташкил қилган Чимкент, Жамбул ва Туркистон областлари киритилган. [5]

Ушбу амалга оширилган демаркация қасддан қилинганлигига яна бир исботи сифатида Қозоғистон Республикасининг чегараси Тошкент шаҳридан атиги 10 км масофадан ўтказилганлигини келтириб ўтиш жоиз.

Натижада Марказий Осиёда етакчи мавқега эга бўлган ўзбек миллати билан бошқа қардош миллатлар ўртасидаги суъний зиддиятлар келиб чиқиши миллатлар ўртасидаги тотувликка путур

етишини маъмурий-қонуний асосларини келтириб чиқарган.

1991-йилга келиб, СССР емирилгандан сўнг собиқ иттифоқдош республикалар ўрнида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизстон каби мустақил давлатлар вужудга келди. Олдин марказдан бошқарилиб келинган республикалар мустақил давлат статусини олгандан сўнг Сталин назариясининг хатолари ва белгиланган маъмурий чегаралардаги зиддиятлар ўзини намоён қила бошлади.

1993-йилгача Ўзбекистон билан Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон билан Қирғизистон ўртасидаги тузилган келишувлар асосида миллий алоқалар эркин холда амалга оширилди. Чунки бу чегарадош вилоятларда қариндош-уруғчилик ва қуда-андачилик ришталари аҳолининг сезиларли қисмини боғлаб турар эди.

Кейинчалик давлат раҳбарлари ўртасида Марказий Осиёда гегемонликка интилиш натижасида вужудга келган шахсий адоватлар, юқоридаги алоқаларни бузилишига олиб келди. Натижада, ўзбекларни қўшни давлатлардаги қариндош-уруғлари билан йиллар давомида дийдор кўриша олмаслиги, ҳатто бир-бирларини тўй, марока ва азаларида иштирок эта олмасликлари ачинарли эди. Чегаралар темир тиконлар билан ёпилган эди. Чегарадош вилоятлардаги жуда кўп аҳолини маънавий қийинчилик ва аянчли аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди. Ҳатто шундай кулгили бахона ва тўсиқлар ўйлаб топилиб жорий қилиндикки, бунга мисол қилиб қуйидагини келтиришимиз



мумкин: Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош давлатлар ўртасидаги келишувга асосан, чегарадош вилоятлар фуқаролари ҳар бир давлат доирасида ички паспортлар асосида бориб-келиши амалда бўлган ҳолда Ўзбекистон давлати ўз фуқароларининг паспортларида яшаш жойи кўрсатилган штампни ҳақиқийлигини исботлаш учун ўша жойга гербли муҳр қўйилишини талаб этишни жорий қилди. Бу билан давлат томонидан берилган ҳужжатни шубҳа остига олиб, давлатимиз обрўсига путур етказилганлигини англамади. Бунга ўхшаш машаққат ҳалигача давом этиб келмоқда. Қўшни республика фуқаролари Ўзбекистонга ички паспортлари билан келиб-кейтиш ҳуқуқига эга бўлиб турган ҳолда, Ўзбекистон фуқаролари бундай ҳуқуқдан - маҳрум. Улардан ташқарига чиқиш учун махсус “қизил паспорт” талаб қилинмоқда. Бу нарса қўшни республикада қариндош-уруғлари бўлган Ўзбекистон фуқароларини ҳуқуқларини бузилишидан бошқа нарса эмас.

Давлатимизнинг яқин тарихига назар солсак, Тожикистон ва Қирғизистон билан ўзаро муносабатлар анчагина салбий эди. Бу масаладаги муаммолардан бири, бу ирридента (Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи этник тожиклар) муаммоси эди, бу эса ўз навбатида геосиёсий амбицияларни ва чегарадаги баҳсларни ўз ичига олади.

Ва натижада 90-йилларни ўрталарида Қозоғистон билан Ўзбекистонни ўртасида қуролли тўқнашувга тайёргарлик кўришгача борди, яъни Қозоғистон 30 мингдан ортиқ аскарини

Ўзбекистон чегараси яқинига сафарбар этганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Қирғизистонда эса, 90-2000 йилларнинг бошларида вужудга келган Қирғизистон давлатида ўзбекларни қирғинига олиб келганлигини (икки маротаба Ўш воқеалари ва бир маротаба Ўзген воқеалари) эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

2006-йил январ ойида Ўзбекистон ЕвроОсиё Иқтисодий Иттифоқига аъзо бўлди. Тошкентнинг ЕОИИга киришини кўпчилик турли ҳис-туйғулар билан кутиб олди. Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшилари, биринчи навбатда Тожикистон ўзбек-тожик чегараси очилишига ва у орқали халқларимиз ва товарлар эркин ҳаракатланишига катта умид билан қараган. Тошкент ҳақиқатдан ҳам 2006-йилга қадар ушбу ҳужжатни имзолашга ваъда берган, аммо бу нарса рўй бермаган.

ЕОИИ аъзо бўлганидан сал кам уч йил ўтар-ўтмас, 2008-йил ноябр ойида Тошкент бу иттифоқдан чиқишини эълон қилган.

Постсовет икки ўн йилликлар орасида ҳам Тошкент бирор бир қўшни давлат билан ишончли муносабатлар ўрнатмаган эди. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, Марказий Осиё республикаларининг мустақил ҳаёт кечириш тажрибасининг етишмаслиги, миллатчилик кайфиятининг кучайиши, авторитар давлат бошқаруви ва совет даврида яратилган ягона иқтисодий ва сувхўжалик мажмуасини беш республика ўртасида ажратиш - регионнинг асосий муаммоси эди.



Ўзини қўшнилардан изоляция қилишни истаган холда, Тошкент модернизация суръатларида тобора ютказиб борарди, Республиканинг ривожланиш салоҳиятини чеклаб қўйган эди.

2016-йил 4-декабрда бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 88,61% овози билан Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида шундай деган : “Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало қўшни давлатлар, шу билан бирга халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз”. [4]

Ш.М.Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан кенг қўламли ўзгаришларни эълон қилди. Ўзбекистоннинг иқтисодида либерал ислохотлар бошланди, сўз эркинлигининг биринчи белгилари пайдо бўла бошлади. Сиёсий элита жамият ва бошқа давлатлар билан алоқаларни тиклай бошлади. Давлат раҳбарининг биринчи қадамлари бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди.

Тошкент қўшнилар билан муносабатларни тиклай бошлади - Қирғизистон ва Тожикистон билан чегараларни демаркацияси ва трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш бўйича музокаралар тикланди. Ўзбекистон қўшни давлатлар билан ҳудудлар алмашинув масаласига ва ГЭСлар қуриш бўйича музокараларга

нисбатан ўз қарашларини ижобий томонга ўзгартирди.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон минтақадаги қўшнилари билан бўлган муаммоларга чек қўйди, мулоқотни қайтадан бошлади, унда Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари 2018 ва 2019-йилларда учрашишди ва 2021-йил 6-августда Туркменистонда навбатдаги 3-саммит бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тақдирида умумий жиҳатлар жуда кўп, уларни қадимий тарих, анъана ва урф-одатлар боғлаб туради. Халқлар ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталари, яхши қўшничилик муносабатлари бугунги кунда ўз ривожининг янги тарихий босқичига кўтарилди.

Савдо, энергетика, транспорт ва транзит, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бири туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номи билан аталган. Айнан ушбу кўчада, 2017-йил президентимиз ташаббуси билан шоирга бағишланган меъморий ёдгорлик мажмуаси хам ўрнатилди. Албатта, Махтумқули ижоди икки халқ ўртасидаги дўстликни мустақкамлашда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўзбек-туркман халқларининг дўстлиги рамзи сифатида Ашхабод сайилгоҳи бунёд этилди. Бу рамзий масканнинг тасмасини икки давлат раҳбарлари кесишди. Лойиҳанинг умумий қиймати 80млрд сўм бўлиб, у амалга оширилиши билан 180 та янги иш ўринлари очилди. Урганч



туманидаги туркманлар маҳалласида 4 мингга яқин қардош миллатга мансуб аҳолимиз истиқомат қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 64 та уй-жой, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, мусиқа ва санъат мактаби, тиббиёт пунктлари барпо этилди. Шунингдек қисқа муддат ичида ўзбек-туркман уйи барпо қилинди. Туркменистонда ва Тошкентда бўлиб ўтган анжуманлар якунида автомобилсозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, бунёдкорлик, ғишт ишлаб чиқариш индустрияси бўйича имзоланган қиймати 200млн \$ лик келишувлар муболоғасиз Ўзбекистон Туркменистон муносабатларини янада яхшилашга хизмат қилади. “Кўшимизнинг ютуғи – бу бизнинг ҳам ютуғимиз. Уларнинг тинч ва фаровон ҳаёти – бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови деб биламиз” дейди президентимиз Шавкат Мирзиёев. [2]

Ўзбек ва қозоқ халқлари асрлар давомида дўст, қадрдон. Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланаётгани ҳам, мустақамланаётгани ҳам барчамизга маълум. 2018-йилда мамлакатларимизнинг товар айланмаси 3 млрд \$ ошди. Агар 2017-йилга нисбат қилиб оладиган бўлсак бу 50%га кўп дегани. Айти пайтда эса мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида 594 та корхона фаолият

юритмоқда, шундан 315таси қўшма корхона шаклида, 279таси 100% Қозоғистон капитали асосида ташкил этилган.

2019-йил апрел ойида Ўз.Р. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тўқаевни расман тантанали кутиб олинди. Икки томонлама ҳамкорлик масалалари, минтақавий аҳамиятга эга бўлган қатор ҳамкорликларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Машинасозлик, тўқимачилик саноати, транспорт, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа соҳадаги йирик кооперация лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги дастурлар қайта тикланди. [9]

Қозоғистон парламенти сенати ҳамда Ўзбекистон Олий мажлиси сенати ўртасида йўл харитаси имзоланди. Хусусан, устувор йўналишлардан бири Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга келишилди. Шунингдек, 2021-йил 15-апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши стратегик шериклик муносабатлари тобора мустақамланиб, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётганидан далолат беради. Ушбу муҳим воқеа халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқинлик рамзидир, - дейди Шавкат Мирзиёев.



Қирғизистон Республикаси билан ҳам “янги давр” бошланди десак муболаға бўлмайди. Юзага келган барча баҳсли масалалар кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик руҳидаги мулоқот асосида халқилинмоқда. Икки халқнинг бугунги хоҳиши янада яқин бўлиб, бир-бирига кўмак кўрсатиш, барча соҳаларда алоқаларни фаоллаштириш. Давлатлараро муносабатлар бошқа сифат даражасига кўтарила бошлади, бу эса икки республика ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашишига олиб келди. Расмийлар ва ишбилармонларнинг ўзаро ташрифлари бошланди. 2016-йил охиридаги Қирғизистон вакил делегациясининг чегарадош Андижон шаҳрига ташрифини биринчи қадам деб ҳисоблаш мумкин. Бош вазир ўринбосари Адхам Икромов бошчилигидаги делегация 130га яқин кишидан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон билан чегарадош Қирғизистоннинг учта вилоят губернаторлари, маҳаллий маъмурият расмийлари, ишбилармонлар ва жамоатчилик вакиллари билан иборат эди. Мехмонлар жуда илиқ кутиб олинди, улар учун экскурсиялар ва концертлар уюштирилди. Учрашув якунида икки республиканинг чегарадош вилоятлари раҳбарлари томонидан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон трансчегаравий дарёларда ГЭСлар қуриш орқали қишлоқ хўжалигини сувсизлантиришда айблаган Қирғизистонда энди ГЭСларни биргаликда қуриш мумкинлигини ва Қирғизистондан Ўзбекистонга оқиб

ўтадиган дарёлар оқимини биргаликда назорат қилиш истагини билдирди.[7]

Икки халқнинг яқин тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017-йил мамлакатларимиз ўртасида туб бурилиш йили сифатида эътироф этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли халқларимиз ўртасида кўп йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларга ечим топила бошлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги кўрсаткичлар ижобий динамикага эга, хусусан сўнгги 3-4 йилда ўзаро савдо 5 баробардан зиёдга ўсган.

2017-2018 йилларда эса Ўш шаҳрида Ўзбекистон ҳукумати Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан А.Навоий номида 630 ўринга мўлжалланган замонавий мактаб қуриб битказилди. Замонавий ўқув қуроллари ва лабораториялар билан жиҳозланган холда қирғиз халқига тақдим қилинди. Бу эса, ўз навбатида давлатлараро муносабатларни ривожланишида муҳим роль ўйнади. 2021-йилнинг март ойида Ўз.Р. Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди.

Ушбу ташриф юзасида ўтказилган бизнес форум натижалари икки томон учун ҳам қувонарли бўлди. Қирғизистондан юзга яқин тадбиркорлар келиб, 900 минг доллардан кўпроқ экспорт шартномалари имзоланди ўтган йили ушбу кўрсаткич 600 минг долларни ташкил қилар эди. Тарихда бундай



кўрсаткичлар ҳеч қачон бўлган эмас, - дейди республикамиз президенти Шавкат Мирзиёев. Шунингдек, Қирғиз Республикаси Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, умуман, Ўзбекистоннинг автомобилсозлик маҳсулотлари кўرғазмаси билан ҳам танишди. Шунинг ўзида Ўзбекистон халқи номидан Қирғизистон халқига юртимизда ишлаб чиқарилган ва барча тиббий ускуналар билан жихозланган тез тиббий ёрдам автомобиллари совға қилинди. Уларга шундай жумлалар ёзилган: “Қардош Қирғизистон халқига, биродар Ўзбекистон халқидан”. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Қирғизистон муносабатларининг бугунги ҳолатини юқори баҳолаш мумкин.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Имомали Рахмоннинг ташаббуслари ҳамда қатъий сиёсий иродаси туфайли кейинги йилларда ўзаро муносабатларда конструктив ҳамкорлик муҳити юзага келди. Улар бугун амалий мазмун билан янада бойиб, сифат жиҳатидан мутлақо янги, стратегик шериклик даражасига кўтарилиш йўлидан бормоқда.

Ўтган даврда икки томонлама муносабатларда кўп нарса ўзгарди, буни рақамлар ҳам айтиб турибди. 2017-йилда товар айирбошлаш 70 млн \$ бўлган бўлса, 2020-йилда ушбу кўрсаткич илк бор 500 млн \$ га етди. Худудлар форуми муваффақиятли ўтказилди. Қиймати қарийб 1 млрд \$ бўлган аниқ лойиҳа ва шартномалар имзоланди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида айтсак, биринчи бор Тожикистонда Ўзбекистон кинеси кунлари муваффақиятли ўтди. [8] Бир сўз билан айтганда, тарихий

яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда,- дейди президент Шавкат Мирзиёев.

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон, минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидак: “Бизнинг бош мақсадимиз-умумий саъй-харакатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат”. [10] Айни пайтда энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири - қўшни Афғонистондаги низони ҳал қилмасдан туриб олдимизда турган мақсадларга эришишнинг иложи йўқ, чунки у тарихий ва геосиёсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишнинг қатъий тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз қўшни давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан хисса қўшиб келмоқда. Афғонистон халқига ёрдам кўрсатиш учун Мозори-Шарифга олиб борадиган темир йўл ўтган “Термиз-Хайратон” кўприги очилди. Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасидаги кўприк шу ойда жангарилар ҳокимиятни қўлга киритган республика аҳолисининг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, Тошкент қўшни давлатга озиқ-овқат етказиб беришга тайёр. Бу ҳақда Ш.Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи чоғида журналистлар билан учрашувда айтиб ўтди. [6]



“Энг мухим вазирамиз — мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустахкамлаш, одамларни, халқимизни хаётдан рози қилишдан иборат” деб, президентимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган эди. [3] Ўзбек халқи қадим-қадимдан тинчликсевар ва меҳмондўстлиги билан машхур бўлиб келган. “Ховли олма, қўшни ол”, “Қўшнинг тинч — сен тинч” ва “Ён қўшни — жон қўшни” каби хикматларга азалдан амал қилиб келинади.

Бугун биз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни қўйдик.

Давлатимиз раҳбарини Ўзбек халқининг фаровонлиги йўлида олиб бораётган сайъ-ҳаракатлари халқ олқишига сазовор бўлаябди. Элни эртанги кунини қандай қилиб барқарор қилиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўшни давлатлар билан олиб бораётган очик, биринчи мартта дўстона ва самарали мулоқотларимиз тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустахкамлаш, ислохот ва янгиликлар йўлидан изчил илгарилаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишининг мустахкам асосидир.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Берхин И.Б. История Коммунистической партии Советского Союза//Москва, Издательство Политической Литературы, 1976 — 55б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз//Тошкент, Ўзбекистон, 2017 — 8б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак//Тошкент, Ўзбекистон, 2017 — 53б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз//Тошкент, Ўзбекистон, 2016 — 27б.
5. Пономарев Б.Н. История Коммунистической партии Советского Союза//Москва, Издательство Политической Литературы, 1976 — 512б.
6. <https://www.un.int/uzbekistan/fr/news>
7. <https://president.uz/uz/lists/view/4589>
8. <http://isrs.uz/uz/ozbekiston-yangiliklari>
9. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/05/17/uzb-kz/>
10. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-markaziy-osiyo-davlatlari-rahbarlarining-uchinchi-maslahat-uchrashuvida-sozga-chiqdi>